

**«Ўзпартампонаж» АЖ акциядорларнинг 2016 йил
яқунлари бўйича умумий йиғилиши
1 – сонли Б А Ё Н Н О М А С И**

27 июнь 2017 йил
Йиғилиш бошланиш вақти: 13:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шох кўчаси, жамият биноси

Акциядорлар умумий йиғилиши президиуми:

Умумий йиғилиш раиси ва
«Ўзгеобурғунейтгаз» АК нинг
ваколатли вакили -

Бозоров Ғ.А.

«INTEGRA EURASIA» МЧЖнинг,
ваколатли вакили -

Султонов К.К.

“Eriell GmbH” Чет-эл Компаниясининг
ваколатли вакили -

Иргашев Р.К.

«Ўзпартампонаж» АЖ бошқарув раиси -

Суяров Б.О.

Йиғилиш котиби:

Мингяшаров Н.Қ.

Жами овоз берувчи акциялар сони – 8447400 дона

Жами акциядорлар сони – 491 киши

Қатнашдилар:

“Ўзгеобурғунейтгаз” АК вакили ишончнома асосида Бош мутахассис Бозоров Ғ.А. - 3041090 та овоз, «INTEGRA EURASIA» МЧЖ вакили ишончнома асосида Султонов К.К. - 816200 та овоз, “Eriell GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили ишончнома асосида Иргашев Р.К. - 1267110 та овоз ва 7 нафар жисмоний шахс – акциядорлар 87700 та овоз билан қатнашдилар.

Кворум – 61,70%.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. “Ўзпартампонаж” АЖнинг Кузатув кенгашининг 2016 йилда бажарган ишлар юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Ўзпартампонаж” АЖнинг ижро органини 2016 йил яқунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узоқ ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
5. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2016 йил молиявий ҳужалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудиторни БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
6. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2016 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил ташкилотини ҳулосасини тасдиқлаш.
7. “Ўзпартампонаж” АЖнинг 2016 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш ва дивиденд тўлаш масаласини кўриб чиқиш.
8. “Ўзпартампонаж” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
9. “Ўзпартампонаж” АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.
10. “Ўзпартампонаж” АЖ ташкилий тузилмасини янгидан тасдиқлаш.
11. Аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик ҳужалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш.
12. “Ўзпартампонаж” АЖнинг Ижроия органи аъзолари, Кузатув кенгаши аъзолари,

Тафтиш комиссияси аъзолари тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг тулаш тартиби ва миқдорларини белгилаш.

13. “Ўзпартампоаж” АЖнинг Уставига, Ижроия органи тугрисидаги, Кузатув кенгаши тугрисидаги ва Тафтиш комиссияси тугрисидаги низомларга киритиладиган узгартиришлар ва кушимчаларни тасдиклаш.

Э Ш И Т И Л Д И :

“Ўзгеобургунефтгаз” АК бош мутахассиси **Бозоров Ғ.А.** кворум мавжудлигини ва йиғилишни очилишини эълон қилди. Йиғилиш иштирокчилари ичидан 3 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилишни таклиф қилди. Булар:

Бозоров Ғолиб Абдурахмонович
Суяров Бахриддин Овлокулович
Мингяшаров Наврўз Қудратиллоевич

Таклиф бир овоздан маъқулланди. Йиғилишда Бозоров Ғолиб Абдурахмонович раислик қилди. Баённомани ёзиб борувчи котибни сайлаб олишни таклиф этди ва корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Мингяшаров Н.Қ. номзоди кўрсатилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи** ва **иккинчи** масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Мингяшаров Н.Қ. сўзга чиқди. У Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклифи қилди:

Эсанов М. - санок комиссияси раиси.
Олимов А. - санок комиссия аъзоси
Турдиев Х. - санок комиссия аъзоси

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Регламент бўйича кун тартибидаги масалалар 13 тани ташкил этади ва ҳисобот берувчиларга 10 дақиқадан ажратишни таклиф этди. Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Розилар** –5212100 овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан иборат Эсанов М. - санок комиссияси раиси, Олимов А. ва Турдиев Х.лар - санок комиссия аъзолари этиб сайлансин.

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан “Ўзгеобургунефтгаз” АК бош мутахасси **Бозоров Ғ.А.** сўзга чиқди. У 2016 йил давомида «Ўзпартампоаж» АЖ бошқарув раиси ва етакчи мутахассислар иштирок эткан 18 та кузатув кенгаш йиғилиши ўтказилиб бир овоздан қабул қилинганлигини ва бошқарув раисининг ҳисоботлари ҳамда бевосита Кузатув кенгашининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар хар чорақда тинглаб борилганлигини айтиб ўтди.

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг Жамият кузатув кенгашининг 2016 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Розилар** –5212100 овоз.
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

3. Жамият кузатув кенгашининг 2016 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Тўртинчи масала бўйича «Ўзпартампонаж» АЖ бошқарув раиси **Б.О. Суяров** сўзга чиқди. У акциядорлик жамиятининг 2016 йилдаги молия – хўжалик фаолияти ва бажарилган ишлар, бизнес-режа кўрсаткичлари, узоқ ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи ҳамда 2017 йилда олдимизга қўйилган вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. (маъруза илова қилинади).

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, 2016 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Розилар** –5212100 овоз.

Қаршилар – йўқ,

Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

4. Жамият бошқарув раисининг 2016 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узоқ ва ўрта мудатга мулжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Бешинчи масала бўйича жамиятнинг молия ва режалаштириш бўлими бошлиги в.в.б. **Тўраев Н.Н.** сўзга чиқди. У Жамиятнинг 2016 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи, самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди (маъруза илова қилинади).

Бешинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятни 2016 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудиторни БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди : **Розилар** – 5212100 овоз,

Қаршилар – йўқ,

Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

5. Жамиятни 2016 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудиторни БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Олтинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини «Ўзпартампонаж» АЖнинг 2016 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил ташкилотини ҳулосаси билан таништирди. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил ташкилот этиб “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ тасдиқланган бўлиб, мустақил ташкилотнинг 2017 йил 10 майдаги Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича берган ҳулосасини натижасига кура охириги баҳо фоиз бўйича 7%, бал билан ҳисоблаганда **88 балл** билан қониқарли баҳоланганлигини айти. (ҳулоса илова қилинади)

Олтинчи масала муҳокамасидан сўнг, Жамиятнинг 2016 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил ташкилотини ҳулосасини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди : **Розилар** – 5212100 овоз,

Қаршилар – йўқ,

Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

6. “Ўзпартампотаж” АЖнинг 2016 йил якунлари буйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш буйича мустакил ташкилотини ҳулосаси тасдиқлансин.

Еттинчи масала буйича бош ҳисобчи **Файзуллаев А.А.** сўзга чиқди. У йиғилишда иштирок этаётган акциядорларни «Ўзпартампотаж» АЖнинг молиявий – иқтисодий ахволи, бухгалтерлик баланси, молиявий натижалар ҳамда 2016 йилги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар миқдори билан таништирди. Ўз сўзида олинган соф фойда, солиқга тортиш базаси ва бошқа харажатларни таҳлил қилиб борди. Ўз сўзини охирида жамиятнинг 2016 йил молия-хўжалик фаолияти буйича соф фойдаси **4 млн 653 минг сўм** миқдорида соф фойда олинганлигини ва ушбу соф фойдани тақсимланмаган (йигилган) фойда таркибида қолдиришни тақлиф қилди.

Еттинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятнинг 2016 йил якуни буйича олинган соф фойдасини тасдиқлаш масаласи.

Овозга қўйилди : **Розилар** – **5212100 овоз,**
 Қаршилар – **йўқ,**
 Бетарафлар – **йўқ.**

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

7. “Ўзпартампотаж” Акциядорлик жамиятининг 2016 йил якуни буйича олинган **4 млн 653 минг сўм** миқдорида соф фойдасини тақсимланмаган (йигилган) фойда таркибида қолдирилсин.

Саккизинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар буйича менеджер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди. Ўз сўзида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май 370- рақам билан руйхатга олинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тугрисидаги» қонунининг 70 моддасига асосан жамият Кузатув кенгашига ва тавтиш комиссиясига номзодларни қимлар тавсия этиши тугрисида тўхталиб ўтди. «Ўзгеобурғунефтгаз» Акциядорлик Компанияси Бош директорнинг 2016 йил 25 январдаги 13/ШХ-61 рақамли хатига асосан қуйидаги номзодларни «Ўзпартампотаж» АЖ Кузатув кенгашига киритишни тақлиф қилган.

1. **Хусенов Шерзод Уткирович** - (“Сурхон ПИ” АЖ бошқарув раиси)

2. **Маматов Элер Панжиевич** - (“Ўзгеобурғунефтгаз” АКнинг бурғулаш техникаси ва технологиялари буйича 1 – категорияли муҳандис технолог),

3. **Ражабов Акрам Рафикович** - (“Ўзгеобурғунефтгаз” АКнинг янги технологияларни тадбиқ қилиш бўлими бошлиғи),

4. **Бозоров Голиб Абдурахмонович** - (“Ўзгеобурғунефтгаз” АКнинг Бош мутахассиси),

5. **Тураев Баходир Эшбоевич** - (“Ўзгеобурғунефтгаз” АКнинг бош ҳисобчи в.в.б.),

6. **Хожиматов Анвар Хожаматович** - (“Қашқадарё ПИ” АЖнинг бош механиги),

7. **Рахматуллаев Маннон Зафарович** - (“Ўзгеобурғунефтгаз” АКнинг Корпоратив муносабатлар буйича мутахассиси)

«Ўзгеобурғунефтгаз» АК «Ўзпартампотаж» АЖ нинг **36% фоиз** акцияларига эгалик қилади.

«**INTEGRA EURASIA**» ШК директорининг 2017 йил 09 январдаги №3АГ рақамли тавсияномасига асосан, «Ўзпартампотаж» АЖ Кузатув кенгашига қуйидаги номзодлари киритишни тақлиф қилган..

1. **Гафийтуллин Артур Адгамович** - «Integra Eurasia» ШК директори.

«INTEGRA EURASIA» ШК «Ўзпартампотаж» АЖ нинг **9,7% фоиз** акцияларига эгалик қилади.

«**ERIELL GmbH**» Чет-эл Компаниясининг 2017 йил 9 февралдаги ИСХ-УС-591 рақамли хатига асосан қуйидаги номзодларни «Ўзпартампотаж» АЖ Кузатув кенгашига киритишни тақлиф қилган.

1. **Иргашев Рустам Курбанович** (“ERIELL GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили).

«**ERIELL GmbH**» Чет-эл Компанияси «Ўзпартампотаж» АЖ нинг **15% фоиз** акцияларига эгалик қилади. Саккизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидагилардан 7 кишини сайлаш овозга қўйилди:

1. Маматов Элер Панжиевич – 5 212 100 та овоз билан;

2. Ражабов Акрам Рафикович – 5 212 100 та овоз билан;
3. Бозоров Голиб Абдурахмонович – 5 212 100 та овоз билан;
4. Тураев Баходир Эшбоевич – 5 212 100 та овоз билан;
5. Рахматуллаев Маннон Зафарович – 5 212 100 та овоз билан;
6. Иргашев Рустам Курбанович – 5 212 100 та овоз билан;
7. Гафиятуллин Артур Адгамович – 5 212 100 та овоз билан.
8. Хусенов Шерзод Уткирович – овоз берилмади,
9. Хожиматов Анвар Хожаматович – овоз берилмади.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

8. Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидаги 7 киши сайлансин:

- 8.1. Маматов Элер Панжиевич;
- 8.2. Ражабов Акрам Рафикович;
- 8.3. Тураев Баходир Эшбоевич;
- 8.4. Бозоров Голиб Абдурахмонович;
- 8.5. Рахматуллаев Маннон Зафарович;
- 8.6. Иргашев Рустам Курбанович;
- 8.7. Гафиятуллин Артур Адгамович.

Тўққизинчи масала бўйича **Н.Қ. Мингяшаров** сўзга чиқди. Ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари ва жамият Кузатув кенгаши тавсияси асосан 2016 йилга тафтиш комиссиясини қуйидаги янги таркибини сайлаш лозимлигини айтиб ўтди:

1. **Муратова Махбуба Амиркуловна** – «Ўзгеобургунефтгаз» АКнинг 1-категорияли ҳисобчиси;

2. **Бойсариёв Боймурод Норбўриёвич** - «Ўзгеобургунефтгаз» АКнинг иқтисодий таҳлил ва молия бўлими бошлиғи;

3. **Туропов Бахтиер Эшонкулович** - «Ўзгеобургунефтгаз» АКнинг муҳандис-иқтисодчиси.

Тўққизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг, овозга қўйилди.

Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги 3 кишини сайлаш:

1. Муратова Махбуба Амиркуловна – 5 212 100 та овоз билан;
2. Бойсариёв Боймурод Норбўриёвич – 5 212 100 та овоз билан;
3. Туропов Бахтиер Эшонкулович – 5 212 100 та овоз билан.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

9. Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги 3 киши сайлансин:

- 9.1. Муратова Махбуба Амиркуловна;
- 9.2. Бойсариёв Боймурод Норбўриёвич;
- 9.3. Туропов Бахтиер Эшонкулович.

Ўнинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди. У ўз сўзида Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йигилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” талабларидан келиб чиқиб, “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низом тасдиқланганлиги хақида айтиб ўтди.

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш тугрисидаги қонунининг 110-модасига асосан – “Жамият кузатув кенгаши томонидан унга ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этилиши мумкин”. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмаси наъмунавий шаклида инobatга олинган ва ҳуқуқий норматив ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, “Ўзпартампоаж” АЖ амалда булган ташкилий тузилмасига корпоратив маслаҳатчи лавозимини киритиш ҳақида таклиф қилди.

Овозга қўйилди : **Розилар** – 5212100 овоз,
 Қаршилар – йўқ,
 Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

10. “Ўзпартампоаж” АЖ ташкилий тузилмасига корпоратив маслаҳатчи лавозими киритилиб қайтадан тасдиқлансин.

Ўн биринчи масала юзасидан сўз Корпоратив муносабатлар ва қимматли қогозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.**га берилди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 85-моддасига мувофиқ, Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилиши ва қуйидагилар жамиятнинг аффилиланган шахслари деб белгиланганлигини айтиб ўтди:

1) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;

2) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

3) ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият директорининг ёхуд жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

4) ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

5) ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

6) ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айна бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

7) ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айна бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

8) ушбу жамиятнинг директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айна бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

9) яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

10) ушбу жамият директорининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

11) ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

Шу билан бирга, юқоридаги қонуннинг 88-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

“Ўзпартампоаж” АЖ томонидан ўзининг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида “Ўзбекнефтгаз” МХК таркибига кирувчи корхоналар - аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузишини инobatга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ

хисобланади.

Овозга қўйилди : **Розилар** – 5212100 овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

11. “Ўзпартампонаж” АЖ томонидан ўзининг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида “Ўзбекнефтгаз” МХК таркибига кирувчи корхоналар - аффилиланган шахслар билан тегишли битим (битимлар) тузишини инобатга олган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган мазкур битим (битимлар) маъқуллансин.

Кун тартибига қўйилган **ўн иккинчи** масала юзасидан сўзга Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.** чикди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланган. Шунингдек, юқоридаги қонуннинг 59-моддасига ва жамият уставига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш жамият кузатув кенгаши ваколатига кириши кўрсатилган.

Шу билан бирга, юқоридаги қонуннинг 74-моддасига мувофиқ, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкинлиги, бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланиши ва қонуннинг 75-моддасига мувофиқ, жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киришини белгиланганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Бундан ташқари 2016 йил 17 июнда бўлиб ўтган “Ўзпартампонаж” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”ни 25 бандининг 11-хат бошига асосан – Кузатув кенгашининг рағбатлантириш миқдори АЖ фаолияти молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларига боғлаш кўзда тутилганлигини таъкидлаб ўтди.
Жумладан:

Ижроия органи аъзоларига ҳар чоракда “Ўзпартампонаж” АЖнинг “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ мукофот туланади.

Кузатув кенгаши таркибига шундан:

Кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чоракда “Ўзпартампонаж” АЖнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ рағбатлантириш (мукофот) пули Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 15 (ўн беш) баравари миқдори тўланади.

Кузатув кенгашининг йиллик иш режасини тайёрлаш, мажлис қарорларини расмийлаштириш, қарорларини ижро этиш жараёнини мониторинг қилиш, кирувчи ва чикувчи хатлар корреспонденцияларни ҳисобини юритиш мақсадида Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан котиб тайинланиши мумкин. Агар Кузатув кенгаши котиби жамият мутахассислари таркибидан тайинланса **ҳар чоракда бир марта** Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баравари миқдорида мукофот тўланади.

Тафтиш комиссиясига: Жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг **ҳар бирига** тафтиш комиссиясидаги фаолияти учун **ҳар чоракда** жамиятнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам иш ҳақининг 5 (беш)

баробари микдорида тўланади.

Овозга қўйилди : **Розилар** – 5212100 овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

12. Жамиятнинг Ижроия органи аъзолари, Кузатув кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда Кузатув кенгаши котибига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг тўлаш тиртиби ва микдорлари қуйидагича белгилансин:

12.1. Ижроия органи аъзоларига ҳар чоракда “Ўзпартампоаж” АЖнинг “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ мукофот тулансин.

12.2. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бирига ҳар чоракда “Ўзпартампоаж” АЖнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ рағбатлантириш (мукофот) пули Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 15 (ўн беш) баравари микдорида тўлансин.

12.3. Кузатув кенгаши котибига ҳар чоракда бир марта Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баравари микдорида мукофот тўлансин.

12.4. Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳар бирига тафтиш комиссиясидаги фаолияти учун ҳар чоракда жамиятнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 5 (беш) баробари микдорида тўлансин.

Кун тартибига қўйилган **ўн учинчи** масала юзасидан сўз Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.**га берилди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 июл 2016 йилдаги 207-сонли қарори талабларига ҳамда жамият фаолиятига тадбиқ этилаётган “Корпоратив бошқарув кодекс” талабларига мувофиқ, жамият фаолиятида корпоратив қонунчиликга риоя этилиши ўрганиб чиқилганда жамиятда амалда бўлган Устав ва ички низомларни қонунчилик талабларига мос келтириш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши керак. Ушбу мақсадда ишлаб чиқилган “Ўзпартампоаж” АЖнинг Устави, Ижроия органи тўғрисидаги, Кузатув кенгаши тўғрисидаги ва Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни таклиф қилди. (Ушбу юқорида айтиб ўтилган янги таҳрирдаги Низомлар ва жамият Устави илова қилинади).

Овозга қўйилди : **Розилар** – 5212100 овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

13. “Ўзпартампоаж” АЖ амалда бўлган Устав ва ички низомларни қонунчилик талабларига мос келтириш мақсадида Устави, Ижроия органи тўғрисидаги, Кузатув кенгаши тўғрисидаги ва Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

Умумий йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



Бозоров Ф.А.



Мингяшаров Н.Қ.

Баённома имзоланди «30» июн 2017 йил.